



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLYY KITOS PALATASI INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 20 ноябрь, № 226 (4889)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2009 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 27 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 27 ноябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.


3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 19 ноябрь

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда илмий-амалий семинар ташкил этди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда тегишли вазирилик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Матлумки, мамлакатимизда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилингандан бундан мазкур халқаро ҳужжатнинг барча талабларига тўлиқ амал қилиб

келинмоқда. Жумладан, ўтган йили "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бир қатор дастурлар қабул қилинди ва улар бугун ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

Ахборот технологиялари:

ЮКСАЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакат тараққиётида малакали кадр, етук мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида муҳташам ўқув юртлири қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусан, олий ўқув даргоҳларини сўнгги технологиялар асосида жиҳозлаш, ўқитиш сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли соҳада яққол ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Минглаб иқтидор эгалари кашф этилиб, улар бугунги кунда турли жабҳаларда меҳнат қилмоқдалар.

Таълим

Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ҳам истиқлол туфайли ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрловчи етакчи олий ўқув даргоҳи ҳисобланади. Дарҳақиқат бугун ТАТУ — замонавий типдаги, юқори илмий-педагогик салоҳият, таълим коммуникацияларининг кенг турлари, халқаро алоқаларнинг ривожланган тармоғи, жамиятда мутахассислар тайёрлаш даражаси бўйича юксак мавқега эга бўлган университетдир.

(Давоми 2-бетда).



Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

ХОРИЖИЙ САРМОЯНИНГ ЁРҚИН САМАРАСИ

Мамлакатимизда иқтисодий тarmoқларини модернизациялаш, уларни замонавий технологик линиялар билан қайта жиҳозлаш, хориж инвестицияларини жалб этган ҳолда янги ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо қилишга алоҳида, эътибор қаратилаётган. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 12 мартдаги "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислохот

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Бухоро вилоятида жорий йилда иқтисодийнинг етакчи тarmoқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида 13 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётган. Яқинда ана шу лойиҳалар доирасида Бухоро шаҳрида "Daewoo Textile Bukhara" масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонаси ишга туширилди.

Лойиҳа қиймати 47,5 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур корхона "Бухоротекс" ҳиссасдорлик жамиятининг 1-йигирув-тўқув фабрикаси негизда ташкил этилди. Бу ерда йилга 19,5 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, ундан 16,5 минг тонна калава ип тайёрланади. Маҳсулотнинг 80 фоиздан зиёди экспорт қилиниши

(Давоми 2-бетда).

Сир эмас, бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатлари олдда муҳим бир экологик муаммо кўндаланган бўлиб турибди. Бу — маиший чиқиндиларни утилизация қилиш масаласи. Сабаби, чиқиндиларда тўпланаётган кўп миқдордаги қаттиқ маиший чиқиндиларнинг чириши оқибатида метан гази ажралиб чиқади. У инсон саломатлиги, атроф-муҳит учун ниҳоятда зарарлидир.

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁДАН — ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Аслида, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш иқтисодий жиҳатдан даромадли соҳа ҳисобланади. Бунинг учун уларни тўплаш ва утилизация қилиш тизимини такомиллаштириш зарур. Шу боис мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тизимга замонавий технологиялар изчил жалб этилмоқда. Натижада иккиламчи хом ашёдан арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лекин, мутахассисларнинг айтишича, бугунги натижалар мавжуд имконият даражасида эмас. Бу тадбирга жамоатчилик, айниқса, аҳоли, яъни чиқинди ҳосил қилувчиларнинг иштирокини қучайтириш керак. Гап шундаки, кишиларда чиқиндиларни тоифаларга ажратиш кўникмасини шакллантириш лозим. Бу, ўз навбатида, уни қайта ишлаш жараёнини осонлаштиради.


(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА

Мамлакатимиз энергетика тизими фаолиятининг кўпгина бўғинларидан бири — охириги вақтгача мазкур тизим тarmoқларининг бир-бирига уланмагани эди. Шу сабабли, мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларига электр энергияси Тожикистондаги «Регар» подстанциясидан етказиб берилар эди.

Кейинги икки йилда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон энергетика тизимини яхлит ҳолга келтириш бўйича изчил ишларни амалга оширди. Шу тариқа унинг ишончли ва узлуksиз фаолият кўрсатишини таъминлади. 2009 йилнинг ноябрь ойи охирида «Ғузор» ва «Сурхон» подстанциялари йўналиши бўйича Сурхондарё вилоятига электр энергия-

сини бевосита етказиш имконини берадиган 500 киловаттлик электр узатиш линияси қурилиши ниҳоясига етди ва у фойдаланишга топширилади. 25 ноябрь кунини мазкур электр узатиш линияси қуланганлиги ва жорий йилнинг 1 декабрдан бошлаб тўлиқ ишга туширилади. Бунинг натижасида илгари Тожикистон энергетика тизими Ўзбекистон ҳудудида етказиб берган электр энергияси ҳажмларига эҳтиёж қолмайди ва ундан Тожикистон ўзининг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиши мумкин. Тожикистоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи эса бундан кейин ҳам илгари шакланган схема бўйича таъминлиниши мумкин.



Қишлоқ ёшларига тўхфа

АНДИЖОН. Улугнор туманининг Оқтош қишлоғида уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг муҳташам нишоси фойдаланишга топширилди.

435 ўринли мазкур бинони бунёд этиш учун "Нодир LTD" корхонаси қурувчилари 1 миллиард 953 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Эътиборлиси, қишлоқ кўркига кўрк қўйган ушбу замонавий таълим даргоҳида ёшларнинг пухта билан олишлари учун барча шароитлар яратилган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Поездлар учун бутловчи қисмлар

НАМАНҒАН. «Оҳангарон ТТТ» очик акциядорлик жамияти йўловчи ташиш вагонлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Корхона жамоаси айна пайтда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси буюртмасига биноан, уларга 40

турдаги маҳсулот етказиб бермоқда. Корхонанинг шу кунгача тайёрлаган маҳсулоти 5 миллион сўмликка етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, келгуси йилда корхона ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,4 миллиард сўмликка етиши кўзда тутилаётган.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сув қувурлари тортилди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Кегайли туманидаги Оққудуқ, Добал, Қозонкетган, Жангабозор, Қипчоқ ва Шермуш аҳоли пунктларига 19 километрлик тоза ичимлик суви тармоғи тортилди.

Натижада бу ҳудудда яшаётган мингдан ортиқ хонадонларга зилол сув кириб борди. Айтиш лозимки, кейинги йилларда минтақанинг чўл ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу

мақсадда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 233,5 километрлик қувурлар тортилди, аҳолининг ичимлик суви билан таъминлашга эҳтиёжи яхшиланди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

СИРДАРЁ. «Бунёдкор-Нодиржон ҳамкор» фермер хўжалиги қoшида банкдан олинган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига икки гектарлик иссиқхона барпо этилди.

Иزلаниш меваси

Фермер хўжалиги раҳбари К. Маматқулов қиш мавсумида бу ерда 54 миллион сўмлик сабзавот маҳсулотлари етиштиришни режалаштирмоқда. Қувонарлиси, фермернинг ушбу ташаббуси билан 20 та янги иш ўрни яратилди.

Эътироф этиш керакки, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида бундай иссиқхоналар барпо этиш учун тижорат банклари томонидан 570 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


БАНКЛАРНИНГ ЖАМИ КАПИТАЛИ ОШМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда тижорат банкларининг жами капитални ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

41,2 фоизга кўпайди.

Республикаимизда банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодийнинг реал секторига тижорат банкларининг фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг ресурс базасини кенгайтириш бўйича қўрилган изчил чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.





Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси олдида

Маълумки, дунёни ташвишга солган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқаро бозорда халқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳамда сервис хизматлари бўлган талабнинг сўсийишга олиб келди. Бу, ўз навбатида, корхоналарда тежамкорликка эришишга қаратилган чораларнинг қўрилишига сабаб бўлаётир. "Манаман" деган мамлакатларнинг йирик корхоналарида ишчилар сони кескин қисқартирилиб, ҳақ тўланмайдиган меҳнат таътили кунлари узайтирилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда молиявий таназзулнинг илк давриданоқ янги иш ўринлари яратиш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НЕГИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Авалло, мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш юзасидан қатъий чоралар қўрилди. Хусусан, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурига биноан, корхоналарни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирлари жадаллаштирилиб, замонавий ҳамда тез мослашувчан технологиялар жорий этилди. Айниқса, экспортга маҳсулот тайёрлайдиган корхоналарнинг ташки бозорда рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли вазибалар бажарилгани натижада мавжуд иш ўринлари сақлаб қолинди, корхоналарда оммавий равишда иш жойларининг қисқартирилишига йўл қўйилмади. Балки аҳоли бандлигини ошириш бўйича ижтимоий муҳофаза қилиш, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мамлакатимизда 743,5 мингта янги иш ўрни яратилгани ушбу савй-ҳаракатларнинг самараси, албатта.

янгиликларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилаётгани айтиш мумкин бўлмоқда. Бу ўринда зарур ҳуқуқий мажмуаларнинг ўз вақтида қабул қилинганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртинда кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин далилидир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар бунёд асосидаги бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлмоқда.

ётган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳам ана шу жиҳатдан олиб қараганда, келгуси йилда ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг тизимли ва изчил ривожланишида айтиш зарурат касб этади. Зеро, ушбу ҳужжатга биноан, 2010 йилда мамлакатимизда 950 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бундай йирик қўламдаги ишлар, аввало, келгуси йилга мўлжалланган Инвестиция дастури, ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш, иқтисодий тармоқлари ва корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш бўйича мўлжалланган чора-тадбирлар негизда амалга оширилади. Жумладан, бу савй-ҳаракатлар натижада 56,3 мингта янги иш ўрни яратилади.

Кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш ва яқна тартибдаги ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш иш ўринларини бунёд этишда асосий ўрин тутаяди. Масалан, бу йўналишда 476,6 минг нафар ҳамюртимиз иш билан таъминланиши мўлжалланаётир. Президентимизнинг "Йирик

ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш, вақтинча ишламаётган корхоналар, шу жумладан, тижорат банклари тасарруфига ўтказилган банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш орқали ҳам қўшимча иш ўринлари барпо этилиши кўзда тутилади. Дастурининг қўлами анча кенг бўлиб, уни изчил ва белгиланган мўддатларда бажаришда тегишли мутасадди идоралар зиммасига катта масъулият юкланади. Айниқса, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлири, уларнинг доимий комиссиялари ҳам, ушбу дастурининг ҳудудларда ижро этилишида фаол бўлиши, жонбозлик кўрсатиши тақозо этилади. Зеро, мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Бу борада тегишли дастурлар ишлаб чиқилаётгани ҳамда рўёбга чиқарилаётгани фуқароларни иш билан таъминлаш жараёнини изчил ва кенг қўллаш бўлишини таъминлайди. 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилиши турган гап. Зеро, Ўзбекистонимиз бошчилигида амалга оширилаётган дастурларнинг пировард мақсади ҳам фуқароларимиз фаровонлигини ошириш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ

Давлат мустақиллигига эришиш мамлакатимизга иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгилашнинг улкан истиқболларини очиб берди.

Бугун Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий тамойилларига — мамлакатимиз ўзига хос хусусиятларини, халқ аъноалари ва миллий урф-одатларини, кишиларнинг турмуш тарзини ҳисобга олувчи ўз йўлига қатъий ва изчил амал қилиб келаётир. Аслида, бу тараққиёт йўли давлатимиз Конституциясида ўз асоси ва ақсини топган.

Дарҳақиқат, умумтаълим олиш кафолати давлат зиммасидадир. Шу боис фуқароларимизнинг етарли даражада билим олишлари учун барча шарт-шароит мўҳайё этилган. Давлат бюджетининг катта қисми айнан шу соҳа учун ажратилмоқда. Шу туфайли бу тизимнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, янги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, мактабгача таълим муассасалари, болалар спорт иншоотлари барпо этилмоқда.

Менинг Конституциям
Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бегул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 41-модда)

нинг ҳам тараққиёт йўлини қўрсатиб беради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг бош дастурига айланган, десак, янглишмаймиз. Негаки, Конституциямиз мамлакатда демократик жараёнлар ҳамда фуқароларимиз ҳаётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, моддий фаровонлик ва маънавий тикланиш учун бўлаётган савй-ҳаракатларни жадаллаштириш, янгилаётган Ўзбекистонда бошланган тул ислохотлар микёси ва қўламини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституция иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётимизнинг асоси бўлиши билан бирга, эл ободлиги ва турмушимиз фаровонлигининг ҳақиқий ва ҳуқуқий манбаи ҳамдир. Юқорида таъкидланганидек, унда белгиланган нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасига тўла мос келади. Бу эса конституциявий қонунчилигимизнинг жажон андозаларига муштараклиги ва бевосяита халқаро тажрибага таянишидан далолатдир. Айни вақтда Конституциямизнинг 40, 41-моддаларида белгилаб берилган тамойилларини амалда бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, унинг 40-моддасида миллат саломатлиги билан боғлиқ ҳуқуқий кафолатлар ҳақида сўз боради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида эса соғлом ва баркамол авлодни — эртанги кун эгаларини камол топтириш ва вояга етказиш вазифаси ётибди. Зотан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда жажон жамоатчилиги эътибори ва эътирофига тўшганлиги ҳам бежиз эмас. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳозирданқ ўз самараларини бера бошлади.

Эгамберган КАРИМОВ, Урганч автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори, Ўзбекистон Қўрамини, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Ахборот технологиялари: ЮКСАЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПЎЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда Қарши, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Фарғонада минтақавий филиаллари мавжуд бўлган ўқув даргоҳида бакалаврият таълимининг янги йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очилмоқда, унинг моддий-техник базаси янада яхшиланмоқда. Европа ва Осиёдаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Жумладан, Корея Республикаси ва Ҳиндистон билан ҳамкорликда, шунингдек, NEC (Япония) фирмаси, CISCO (АҚШ), HUAWEI (Хитой), ASETECH (Буёк Британия)нинг замонавий ўқув марказлари очилган. Талабалар ушбу марказларда замонавий техникалар асосида ўз билимларини янада бойитиб бормоқдалар.

Ўқитувчи ва талабалар билан кўп мулоқотда бўлдим. Ўзбекистондаги таълим тизими, истиқлол йилларида рўй берган беқисс ўзгаришлар ҳақида сўзлаб бердим. Улар кўпроқ Самарқанд, Бухоро, Тошкент ҳақида эшитишган экан. Шунинг учун бўлса керак, мазкур шаҳарларимиз ҳақида саволлар беришди. Ёшларимизнинг кўпроқ нималарга қизиқишини сўрашди. Бу каби саволларга жавоб бераётиб, Президентимизнинг ёшларга беқисс эътибори, уларни ҳар доим қўллаб-қувватлашларини, ҳатто 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганини айтганимда, улар роса ҳавас қилишди. Хорижликларнинг юртимизга бу қадар қизиқиш билан қарашлари бежиз эмас. Бир ўқитувчи сифатида мен чет элда бўлиб, имкониятларимиз нақадар кенг эканлигини яна бир бор англаб етдим. Ўз юртининг кадрини, неларга қодирлигини хорижга чиққанимда, теранроқ англаб экансан, киши.

Дарвоқе, яқинда Тошкент ахборот технологиялари университетига Испаниядан бир гуруҳ мутахассислар таширғи буюришди. Улар бу ерда талабаларнинг билим олишлари ва амалиёт ўташлари учун барча шарт-шароит яратилганлигини қўриб, мамлакатимиз таълим тизими халқаро миқёсда эътироф этилиши бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлашди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ХОРИЖИЙ САРМОЯНИНГ ЁРҚИН САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Корея Республикасининг "DAEWOO International Corporation" компанияси таъсисчилигида барпо этилган мазкур мажмуа — мамлакатимиз тўқимачилик саноатидаги энг замонавий корхоналардан бири. Бу Ўзбекистонда тўғридан-тўғри сармоя киритиш учун қўлай инвестиция муҳити яратилганининг самарасидир.

Айтиш жоизки, мазкур корхона ушбу компания сармояси эвазига мамлакатимизда барпо этилган учинчи тўқимачилик корхонаси ҳисобланади. Бунга қадар Фарғонада иккита шундай лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган эди.

Кеча Бухоро шаҳрида "Daewoo Textile Bukhara" корхонасининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўз олганлар мажмуанинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутажақ ўрни ҳақида тўхталиб, у Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари то-

бора мустаҳкамланаётганининг ёрқин ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлашди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Э. Фаниев, Корея Республикасининг "DAEWOO International Corporation" компанияси президенти жаноб Ким Дже-Енг, Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов иштирок этиди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу туфайли аҳолининг катта қисми ҳисобланган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қўрсатиш, улар учун барча шароит ва маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилади.

Айтиш лозимки, болаларга ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан нафақат давлат тузилмалари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам шуғулланмоқда. Хусусан, бу борада "Камолот" ЁИХ, Болалар жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Сен ёлғиз эмсан" жамғармаси ҳамда Республика болаларни ижтимоий мослаштириш марказининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси ёш авлодининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид 40 дан зиёд халқаро ҳужжатлар талабларига амал қилаётганини айтиб ўтилди. Айни пайтда болалар ҳуқуқларини таъминлашда йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича фойдали масlahатлар берилди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зожир ХУДОЙШУКУРОВ.

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁДАН — ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кеча Тошкентда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман шу масалага бағишланди. "Маиший чиқиндилар муаммосини ечишнинг энг мақбул йўллари ҳамда жамоатчилик иштироки" деб номланган мазкур тадбир Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуман иштирокчилари чиқиндини қайта ишлашга нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳусусий тадбиркорларнинг кенгроқ жалб этиши, аҳолида, хусусан, ёшларда экологик маданиятни юксалтириш каби бир қатор масалаларни муҳокама қилдилар.

Тадбир доирасида "Чиқиндилар — болалар нигоҳида" расмлар ҳамда "Маиший чиқиндилар — шаҳарда" фотопанеллари голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Соид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

— Мамлакатимизда бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олишга қаратилаётган бир қатор чора-тадбирлар, хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислохотлар имкониятларимиз қўламини кенгайтиришда, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси Хайдар Хусенов. — Жорий йилда қайта жиҳозланган корхонамизда 25 турдаги халқ истеъмоли моллари, шунча турдаги пластмасса қувурлари ва плёнкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябр-

ИМКОНияТЛАР ТАШАББУСГА УНДАМОҚДА

даги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор шашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони бу жамоа аъзоларини том маънода ташаббус қўрсатиб ишлашга даъват этмоқда. Натижада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинаётгани ўз самарасини бераётир. Жумладан,

МДХ мамлакатларида ўта ноёб ҳисобланган диаметри 630 миллиметрик пластмасса қувурларини тайёрлаш бўйича лойиҳа амалга оширилган, жамиятнинг экспорт салоҳияти янада ошди. Бундан ташқари, жамоа мутахассислари Маҳаллийлаштириш дастури асосида шундай қувурларни бир-бирига улайдиган фитинг ускунасини келтириш учун хитойлик тадбиркорлар билан 158 минг АҚШ долларлик шартнома тузган бўлсалар, "Фарго-

ушбу корхона хом ашёни, асосан, республикамиздаги "Шуртангазкимё" мажмуасидан олади. Агар плёнка томскилик олимлар томонидан кашф этилган "компонент-фотоломинофор" қўшилган ҳолда тайёрланса, иссиқхоналардаги экинларга ёруғлик ва иссиқликни мақбул даражада ўтказиб берадиган жуда ноёб маҳсулот ҳосил бўлади. Пировардида экинларнинг 15-20 кун тез ўсиши, ҳосилнинг барвақт этилиши таъминланади.

— "Жиззахпластмасса"да ишлаётганимга кўп вақт бўлгани йўқ, ammo жамоа аъзолари билан тезда қадрдон бўлиб кетдим, — дейди ёш мутахассис Нодиржон Мамажонов. — Корхона раҳбарияти менга ишонч билдириб, Москвадаги Менделеев номли кимё-технология университетининг магистратурасига ўқишга юборганди. Яқинда уни битириб, яна жамоамизга қайтиб келдим. Бугунги кунда бор билимим ва салоҳиятимни корхонамизни янада ривожлантириш йўлида ишга солаётиман.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Жараён

24 соат ичида

ЖАҲОН

Лондон биржасида ўтказилган савдолар чоғида олтин нархи яна қимматлашди.

Олтин баҳоси ошди



"Евроњус" телеканалда айтилишича, мазкур қимматбаҳо металлнинг бир унцияси 1150 АҚШ долларига баҳоланган. Таҳлилчилар бу ҳолат дунёда доллар курсининг қадрсизланиши билан боғлиқ, дея изоҳлашмоқда.


Аҳоли сони қисқариши мумкин

Германия статистика федерал хизмати 50 йилдан сўнг мамлакат аҳолисининг сони қанча бўлишини ҳисоблаб чиқди.

Манбага кўра, бугунги кунда Германияда 82 миллион киши истиқомат қилади. Ярим асрдан сўнг эса уларнинг сони 12-17 миллион кишига қисқариши мумкин. Бунга туғилиш кўрсаткичи тобора тушиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Хусусан, ҳозирда мамлакатда бир аёлга ўртача 1,4 нафар бола туғри келмоқда.

Гапирадиган машина

"Mercedes-Benz" компанияси янги русумдаги автомобилларини ҳайратомуз технология билан жиҳозлашни режалаштирмоқда.



Қурилманинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ёрдамда ҳайдовчи "темир тулоғри"га оғзаки буйруқ бериши ёки у билан бемалол мулоқотга киришиши мумкин. Шунингдек, ушбу технология орқали автоуловнинг техник ҳолати ҳақида ҳам мунтазам ахборот олиб туриш имконияти яратилади. Агар фавқулодда ҳолат юзага келгудек бўлса, қурилма ўша заҳоти қўқарув хизмати билан боғланади.

Энг қиммат уй-жойлар


Жаҳонда машҳур "Forbes" журнали дунёдаги энг қимматбаҳо тураржойлар рўйхатини эълон қилди.

Унга кўра, АҚШнинг Холмбай Хилс районинда жойлашган, умумий майдони 5200 квадрат метрга тенг бўлган хонадон биринчи ўрин (150 миллион доллар)га лойиқ қўрилди. Рўйхатнинг иккинчи ўрнида Техасдаги қиймати 125 миллион долларлик уй, учинчи ўрнида эса Булик Британиядаги 117 миллион долларлик хонадон қайд этилган.

Ана шу тураржойларда кино ва спорт заллари, кутубхона, гузаллик салони ҳамда бошқа турли хизмат кўрсатиш мажмуалари мавжуд.

Ишлаб чиқариш ҳажми пасайган

Октябрь ойида Россияда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,2 фоизга пасайган.



Ахборот агентликлари хабаридан изоҳланганича, бу пасайиш суръати аввалги ойларга нисбатан ҳам анча тезлашган. Мутахассислар буни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг тушиб кетгани, шунингдек, ўзининг ойда иш қилари кам бўлгани билан изоҳлашмоқда.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИШ ҲАРАКАТИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги каби Фарғона вилоятида ҳам аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, вилоятда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида барча йўналишлар бўйича 67 минг 370 та иш ўрни яратиш режалаштирилган эди. Олиб борилган кенг кўламли савий-ҳаракатлар натижасида бу борадаги режа ошғи билан урдаланиб, 70 минг 600 дан зиёд янги иш ўрни яратишга эришилди.

Айтиш жоизки, бу жараёнда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни қайта қуриш, қувватларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳаларига, айниқса, кенг эътибор қаратилгани қувонарлидир.

Чунончи, Фурқат туманида аҳолини иш билан таъминлаш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Гап шундаки, тумандаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис, уларни иш билан таъминлаш энг долзарб вазифалардан бўлиб турибди.

— Туман аҳолисининг тенг ярми — 53214 нафарини меҳнатга лаёқатли кишилар ташкил этади, — дейди туман ҳокими Алишер Дехқонов. — Яқинда ўтказилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, уларнинг 12

мингдан зиёди муқим иш жойига эга эмас экан. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида туман прокуратураси, бандликка қўмақлашувчи марказ билан ҳамкорликда ҳудудий дастур ишлаб чиқдик. Айни пайтда ушбу хайри ташаб-

бусларни ижобий самара берапти. Жумладан, ўтган қисқа вақт оралиғида иш ахтариб юрилди. Гап шундаки, тумандаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 1300 нафари доимий иш билан таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан таққосланганда, 229 тага кўп эканлиги маълум бўлди. Бандлик хизмати ҳисобида турган яна 200 нафар кишига эса, ишсиз мақоми берилиб, нафақа тайинланди. 148 нафар фуқаро мавсумий ишларга жалб этилди.

Таъкидлаш ўринлики, ишсизлик муаммосини ҳал этишда чорвачилик, парран-

дачилик, асаларичилик билан шугулланувчи фермер хўжалиқларини ташкил этиш, янги уй-жойлар бунёд этиш, таъмирлаш, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам муаммони ҳал этишда муҳим қадам бўляпти.

Доимий иш билан таъминлашда, биринчи навбатда, харбий хизматдан қайтганлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларга имтиёз ва қулайликлар яратиб берилляпти. 47 нафар ногироннинг иш билан таъминланиши ижтимоий Ҳимоянинг муҳим жиҳати сифатида баҳоланмоқда. 241 кишига чорвачилик ривожлантириш мақсадида қорамоллар сотиб олишлари учун банкдан кредит олишларига яқиндан ёрдам кўрсатилиб, уларга меҳнат дафтарчалари очилди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Интилиш

бус ижобий самара берапти. Жумладан, ўтган қисқа вақт оралиғида иш ахтариб юрилди. Гап шундаки, тумандаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 1300 нафари доимий иш билан таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан таққосланганда, 229 тага кўп эканлиги маълум бўлди. Бандлик хизмати ҳисобида турган яна 200 нафар кишига эса, ишсиз мақоми берилиб, нафақа тайинланди. 148 нафар фуқаро мавсумий ишларга жалб этилди.

Яхши хабар

Гулистон туманидаги Бешбулоқ қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган муҳташам маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Маҳалланинг муҳташам гузари


Бунинг учун тадбиркор Абдулазиз Ҳайдаров банкдан олган 40 миллион сўмлик кредит ҳисобига қаровсиз ётган бинони мукаммал таъмирдан чиқарди. Ҳозирда бу ерда ўндан ортик маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Эътиборлиси, тадбиркор савий-ҳаракати билан 15 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш ўрнига эга бўлдилар.

Шокурд ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллаиштириш дастури — амалда

Хабарингиз бор, яқинда "Ўзэкспомарказ" мажмуида қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги корхоналар қаторида ўтган йилги Тошкент вилоятининг Зангиота туманида иш бошлаган "Plastherm technology" МЧЖ ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, ҳамкорлар эътиборини қозонди. Бу ерда, асосан, уй-жойлар, муассасаларни иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш, иситиш ҳамда канализация тизимлари ва саноатда зарур бўладиган пластик қувурлар ишлаб чиқарилади.



СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

— Туркиялик ҳамкорларимиз билан тузилган шартномага мувофиқ, бизда тайёрланадиган қувурлар "Plastherm" савдо тамғаси остида ишлаб чиқариладиган бўлди, — дейди корхона бош директори Сирожиддин Халмухамедов. — Бу белги маҳсулотларимизнинг халқаро сифат дастурига тўла мос келишини аниқлатади. Гарчи иш бошлаганимиздан буён кўп фурсат ўтмаган бўлса-да, ўз олдимишга қўйган режаларни ортиғи билан урдаладик. Дастлаб, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлашда ишлатиладиган, диаметри 16 мм. дан 63 мм.гача бўлган "PN 10", "PN 16", "PN 20" ва "PN 25" русумли қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу тариқа маҳсулотларимиз аста-секин ички бозорни эгаллаб бошлади. Яқинда эса диаметри 50 мм. дан 160 мм.гача бўлган канализация тармоқларига қувурлар ишлаб чиқаришни бошладик.

— Сифатни доимо назорат қилиб туриш учун синов лабораторияси ташкил этилди, — дейди корхона ишчиси Рустам Раимов. — Мутахассисларимиз ишлаб чиқарилаётган қувурлар сифатини доимо текшириб борадилар. Маҳсулотларга ва уни ишлаб чиқариш жараёнига тегишли қонуний ҳамда мажбурий барча талабларга амал қилиниши-

ни қатъий назорат қиладилар. Дарвоқе, Маҳаллаиштириш дастури бўйича иш олиб бораётган корхона "ISO - 9001:2000" халқаро сифат сертификатини қўлга киритганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бундай юксак эътибор эса корхона маҳсулотларининг харидорларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Зеро, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг емирилишига чидамлилиги, гигиеник талабларга тўлиқ жавоб бериши, шунингдек, бошқа кўпгина қулай жиҳатлари мижозларга маъқул келмоқда. Қўшма корхонада йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 280 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қўшма корхона жамоаси келгусида Ҳамдўстлик давлатлари ҳам ўз маҳсулотларини сотишни режалаштирмоқда. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилкоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қўдалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Унда барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қўдаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабеллариغا шикаст етказмасликка шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутин! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазини ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисиз кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали: Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	244-61-08, 232-01-26, 244-29-59
Пахта кўрғони	238-12-89, 244-29-93, 177-06-46
0-ЛКИЦ Тошкент ш. КУ-1 Тўйтепа ш. КУ-1 ф-л Ангрен ЛТЦ Бекобод	250-36-79, 177-06-46 21-306, 21-121, 177-06-49 2-27-61, 177-06-47 2-54-11, 177-06-64
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	235-36-59 265-80-43 168-72-86 168-48-51
2-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: КУ-2 Бешарик тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Ишуробод мазеси, телеминиора. КУ-4 Анджон ш., Чўлпон к., 9-уй. КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	55-2-24-71 61-2-23-66 25-08-82 22-23-81 52-9-24-55
3-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛТЦ-2 Янгиер ш. КУ Даштобод ш.	27-16-20 57-28-98, 57-34-36 77-05-27, 6-22-07 72-30-28, 72-30-24 8-372-382-10-06
4-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
5-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
6-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй. КУ Тўрткул ш. КУ Бөрний ш.	222-37-07, 222-00-43 532-30-60, ички 1-42 524-30-60, ички 1-38
7-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07 7-37-62
8-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: Карши ш., Хуснобод к., 1-уй. ЛТЦ-15 Ғузур ш.	221-02-41 55-22-1-67
9-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ манзили: Навой ш., Кармана к., 2-«Б» уй. КУ-3 Каттақўрғон ш. КУ-4 Ғиждувон ш.	224-75-21 45-5-24-54 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига руҳсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- руҳсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассаларини устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устуларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан қўчириш, сиқдириш, қумиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазини, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чикиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНДИ!

ХУШЎР В ЭХТИЁТКОР БЎЛИНГИ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%.

а также:

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

SONATA
Ўз йўлингни танла!
Drive your way

Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.
КАФОЛАТ — 2 йил.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner
Tel. 250-11-11

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси Анджон вилояти филиали директори вази фасни бажарувчиси Азимжон Иминовга онаси **Хафизахон ИМИНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Суғурта иши кафедраси катта ўқитувчиси **Улўбек Собирович ЖҲРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

